

“Агробанк” ОАТБ
Бошқаруви йиғилишининг
2013 йил 18-сентябрдаги
62/3 - сонли қарори билан
“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Агробанк” ОАТБ
Кенгаши йиғилишининг
2013 йил 26-сентябрдаги
12/3 - сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

Банкнинг 2014 йилга мўлжалланган
Бизнес-режаси

Тошкент-2013

Мукаддима.....	2
I боб. Бизнес-режанинг моҳияти ва бош мақсади.....	3
II боб. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиши ва банк секторининг таҳлили.....	4
III боб. Банкнинг ривожланиши ҳамда бизнес-режасининг 2014 йилга мўлжалланган йўналишлари.....	8

Банкнинг бизнес-режаси мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан аграр соҳани янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштиришга қаратилган. Бунда алоҳида аҳамият фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ҳамда ускуналарни татбиқ қилиш ва ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг кўламдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадларини қамраб олишга қаратилган.

Мазкур бизнес-режа банк фаолиятининг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30-мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1084-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 89-сонли Қарорлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26-ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28-июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли Қарори;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6-апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестицион фаоллигини кучайтириш чора-тадбирларн тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли Қарори;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 16-майдаги “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банкининг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1966-сонли Қарори.

Шунингдек, банк тизимини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни қамраб олади.

I боб. Бизнес-режанинг моҳияти ва бош мақсади

1-§. Бизнес-режанинг моҳияти ва бош мақсади

2-§. Бизнес режадан фойдаланиш кўлами

1-§. Бизнес-режанинг моҳияти ва бош мақсади

1. Бизнес-режа банкнинг барча сиёсатларини умумлаштирган ҳолда уларнинг асосий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, банкнинг келгусида ривожланиш йўлида танлаган стратегия ҳамда тактикасини акс эттиради.

2. Банкнинг бош мақсади – республиканинг барча ҳудудларини қамраб олувчи кўп филиалли банк бўлгани ҳолда ўз мижозларига замонавий банк хизматларини кўрсатувчи ва барқарор молиявий фаолиятни юритувчи универсал банк сифатида ўз мавқеини доимий мустаҳкамлаб боришдан иборатдир.

2-§. Бизнес-режадан фойдаланиш кўлами

3. Мазкур бизнес-режа банк фаолияти асосий кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини ўз ичига олади ва банкнинг келгусидаги ривожланиш йўналишлари ҳамда вазифаларини умумлаштирувчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, бизнес-режа банкнинг ликвидлилик ва даромадлилик

кўрсаткичлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш, таваккалчиликларни бошқариш, банкнинг рақобатдошлик даражасини ошириб бориш ҳамда бошқа шу каби тадбирларни таъминлашга қаратилган.

4.Бизнес-режадан банк Бошқаруви фойдаланади ва банкнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий фаолият йўналишларини ўз ичига қамраб олган ҳолда таркибий тузилмалар, худудий бошқармалар ҳамда тасарруфларидаги филиаллар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

II боб. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиши ва банк секторининг таҳлили

1-§.Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиши ва банк секторининг таҳлили

2-§.Банкнинг жорий молиявий ҳолатининг таҳлили

3-§.Банкнинг банк секторидаги мавқеи ва рақобатдошлик имкониятлари

1-§. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиши ва банк секторининг таҳлили

5.Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиши кузатилди, яъни ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,2 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,3 фоизни, хизматлар ҳажмининг ўсиши 12,1 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 10,5 фоизни, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 14,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ортиқ бўлмади.

6.Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш бўйича самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши маҳсулотлар экспорти ҳажмининг 11,4 фоизга кўпайтирилишини таъминлади.

7.Ўтган давр мобайнида хорижий инвестиция ва кредит қўйилмалари ҳажми 13,2 фоизга ёки 1,1 млрд. АҚШ долларига ўсди ва унинг 74,5 фоизини ёки 854,9 млн. АҚШ долларини тўғридан-тўғри хориждан жалб қилинган инвестициялар ташкил этади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26-ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банкларининг жами капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,5 фоизга ўсиб, 6,3 трлн. сўмга етди. Шу билан биргаликда тижорат банкларининг жами активлари 30,7 фоизга ҳамда улар томонидан жалб этилган депозитлар ҳажми 30,5 фоизга ўсди.

9. Мамлакатнинг банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатиши натижасида жорий йилнинг августида “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истиқболлари “барқарор” деб баҳоланди ҳамда 23 та тижорат банкининг фаолияти юзасидан “Fitch ratings”, “Moody’s” ва “Standard&Poog’s” каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг “барқарор” истиқболи билан рейтинг баҳолари олинди.

10. Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 31 фоизга ошиб, 21,3 трлн. сўмга етди. Шу билан биргаликда инвестициявий мақсадларга йўналтирилган кредитлар 30,7 фоизга ўсиши натижасида 3,4 трлн. сўмга етди.

11. Тижорат банклари балансига қабул қилинган 168 та иқтисодий ночор корхоналарнинг 157 тасида ишлаб чиқариш тўлиқ тикланди ва 123 таси стратегик инвесторларга сотилди. Мазкур корхоналар томонидан жорий йил давомида ишлаб чиқарилган 601,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди.

12. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,1 фоизга кўпайиб, ҳисобот санасига 3,7 трлн. сўмни ташкил этди. Шу билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар 1,4 баробарга ошиб, 775,0 млрд. сўмга етди.

13. Аҳоли ва хўжалик субъектларидан жалб қилинган депозитлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,5 фоизга ўсиб, 23,1 трлн. сўмни ташкил қилди.

2-§. Банкнинг жорий молиявий ҳолатининг таҳлили

14. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб белгиланган вазифаларни бажариш, банкнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича изчил чоралар амалга оширилди.

15. Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири бўлган активлар 2013 йилнинг 1-август ҳолатига 2822,0 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 850,6 млрд. сўмга (43,1%) ошди. Бунда даромад келтирадиган активлар 2189,7 млрд. сўмни ҳамда даромад келтирмайдиган активлар 632,3 млрд. сўмни ташкил этди.

16. Молиявий бозорнинг юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш сегментига активларнинг 73% жойлаштирилган бўлиб, кредит портфели жорий йил бошига нисбатан 68,6%га ёки 838,5 млрд. сўмга ошди ҳамда 2060,6 млрд. сўмни ташкил этди.

17. Банк ўз капитали ҳисобидан амалга оширган инвестициялари қолдиғи ҳисобот санасига 68,0 млрд. сўмни ташкил этди.

18. Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни қайта тиклаш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда қўшимча иш ўринларини ташкил этиш мақсадида банк томонидан жами 14 та корхона банк балансига қабул қилинган. Банк балансига олинган иқтисодий ночор корхоналарнинг 13 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланиб, 61,3 млрд. сўмга бозор қийматида баҳоланди ва босқичма-босқич тўлаш шarti билан 66,0 млрд. сўмга салоҳиятли инвесторларга сотилди. Бугунги кунда ишлаб чиқилган бизнес-режа кўрсаткичларига асосан фаолияти тикланган корхоналарда 51,6 млрд. сўм ҳажмида маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан 15,9 млн. АҚШ доллари экспортга йўналтирилди.

19. Банк томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 410,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига 25179 та янги иш ўринлари яратилди.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26-январдаги ПҚ-1047-сонли қарорига асосан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан 110,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

ва ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига яратилган ишчи ўринлари сони 8510 тани ташкил этди.

21.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15-апрелдаги ПҚ-57-сонли ва 2005 йил 5-августдаги ПҚ-147-сонли қарорлари ижроси доирасида 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида нақд пул ҳамда терминал орқали тушган тушумлар 3132,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Нақд пул ҳамда терминал орқали тушган тушумлардан жами 3762,2 млрд. сўми биринчи даражали тўловларга, шундан пенсия тўловларига 1586,1 млрд. сўм ва бюджет ходимлари иш ҳақи тўловларига 2176,1 млрд. сўм йўналтирилди.

22.Ҳисобот санасига банкнинг ресурс базаси 2735,6 млрд. сўмни ташкил этиб, жорий йил бошига нисбатан 876,2 млрд. сўмга ёки 47%га ошди. Бунда халқаро молия институтлари, хорижий банклар ҳамда турли жамғармалардан жалб қилинган мақсадли кредит маблағлари жами ресурс базасининг 31%ни ёки 838,7 млрд. сўмни ташкил этди.

23.Капитал базани кенгайтириш бўйича зарурий чоралар кўрилиши натижасида банкнинг жамланма капитали 361,5 млрд. сўм миқдориди шаклланди. Бунда банкнинг Устав капитали ҳисобот санасига 220,3 млрд. сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 52,9 млрд. сўмга ошди.

24.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438-сонли қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли омонатлари ва хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари қолдиғини 2011-2015 йилларда 2,5 мартага ошириш, шу жумладан, жорий йил давомида 20%га ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2013 йилнинг 1-август ҳолатига жами депозитлар 1158,6 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа ижроси 104%га бажарилди. Банкнинг жами депозитлари таркибиди юридик шахсларнинг депозитлари 491,9 млрд. сўмни ёки 43%ни ҳамда аҳоли омонатлари ва пластик карточкалардаги маблағлар 666,7 млрд. сўмни ёки 57%ни ташкил этди.

3-§. Банкнинг банк секторидаги мавқеи ва рақобатдошлик имкониятлари

25.Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик тармоғини қўллаб-қувватлаш бўйича банкнинг етакчилиги, кенг тармоқли филиаллар тизимига эгаллиги, барқарор капиталлашув даражаси ва анъанавий мижозлар базасига эгаллиги, хорижий банклар ҳамда молия институтларининг жалб этилган кредит линиялари мавжудлиги банкнинг рақобатдошлик имкониятларини

кенгайтиради.

26.Банк мамлакат ҳудудида кенг қамровли тизимга, жумладан 13 та ҳудудий бошқарма, 183 та шаҳар-туман филиаллари ҳамда 271 та банк шохобчалари (минибанклар), 197 та махсус ва кўчма кассаларга эга. Банк томонидан 203 мингга яқин барча мулкчилик шаклидаги юридик шахсларга ва 83 мингдан ортиқ жисмоний шахслардан иборат миждозларга комплекс банк хизматлари кўрсатилмоқда.

27.Банкнинг кенг кўламдаги чакана ва корпоратив хизматларни кўрсата олиш имкониятлари, кредит портфели ҳамда молиялаштириш базасининг доимий кенгайтирилиши ва диверсификацияланиши мамлакатнинг банк секторида етакчи мавқени эгаллаш имкониятини бермоқда.

28.“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг 2013 йил II чорак якунига кўра Агробанк мамлакат банк секторида қуйидаги етакчи мавқеларни эгаллаган:

а)активлар бўйича мавқеи 4, банк секторидаги улуши – 9,6%;

б)акциядорлик капитали бўйича 3, банк секторидаги улуши – 9,3%;

в)кредит портфели бўйича мавқеи 2, банк секторидаги улуши - 12,6%;

г)жалб қилинган маблағлар бўйича мавқеи 4, банк секторидаги улуши 10,1%, шу жумладан аҳолидан жалб қилинган депозитлар бўйича 2 ўрин - банк секторидаги улуши - 17,7%.

29.“Moody’s” ҳамда “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентликлари банк фаолияти натижаларини бегиланган рейтинг шкалалари бўйича “Барқарор” истиқболи билан қайта тасдиқлади.

30.“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан миллий кўрсаткичлар бўйича банкнинг 2012 йил якунлари фаолияти натижалари “uzA+” “Барқарор” истиқболи билан баҳоланди.

III боб. Банкнинг ривожланиши ҳамда бизнес-режасининг 2014 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари

1-§.Банк ривожланишининг 2014 йил учун белгиланган устувор йўналишлари

2-§.Банкнинг 2014 йилга мўлжалланган бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари

1-§. Банк ривожланишининг 2014 йил учун белгиланган устувор йўналишлари

31.Банкнинг 2014 йил учун фаолиятининг асосий устувор йўналишлари - иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, жаҳонда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичларининг мақбул даражасига эришиш, банкнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, капиталлашув даражаси ҳамда узоқ муддатли ресурс базасини ошириш ва таваккалчиликларни бошқариш тизимини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

32.Банк фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланади:

а) кадрлар сиёсатини кучайтириш, заҳира таркибига киритилган мутахассисларни ротация қилиш ишларини давом эттириш, ходимларни чет эл молия институтлари ҳамда таълим муассасаларида ўқитишни фаоллаштириш, инвестиция фаолияти масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларни қайта тайёрлаш, банк соҳасида кадрлар тайёрлаш усулларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

б) иқтисодиётга узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобига янада ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, инновацион технологияларни жорий этиш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини ташкил этишга йўналтирилган банкнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш;

в) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига универсал банк хизматларини кўрсатиш, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ҳамда сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ҳамда молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

г) қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, саноат ишлаб чиқариши ҳамда қурилишни янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини барпо этиш;

д)ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, техник ва технологик янгилаш, илғор чет эл технологиялари ҳамда ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш;

е)Базель кўмитасининг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ институционал жиҳатдан янада ривожланиш; жумладан банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк таваккалчилигининг бошқарилишини такомиллаштириш орқали унинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини ошириш;

ё)капиталлашув даражасини, шу жумладан Устав капиталини ўстириш ҳисобига ошириш, акцияларни чиқариш ва фонд бозорида жойлаштириш орқали кейинги йилда жами капиталнинг ҳажмини камида 20 фоизга ўсишини таъминлаш;

ж)барқарор ресурс базаси ва ликвидлилигини мустаҳкамлаш мақсадида омонат ҳамда депозитларнинг янги жозибали турларини жорий этиш, кўрсатилаётган банк хизматлари доирасини кенгайтириш, жумладан муомалага чиқарилган депозит сертификатларини жойлаштириш йўли билан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш;

з)банкнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банкнинг иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарздорлик юзага келишининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш йўли билан кредит портфели ҳажмини доимий ўсиши ҳамда сифати яхшиланиб боришини таъминлаш;

и)кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш, шунингдек кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтларининг кредит линияларини

ўзлаштириш ва жалб қилинишини фаоллаштириш;

й) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини молиялаш, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини оширишнинг энг муҳим воситаси сифатида банкнинг микромолиялаш хизматини кенгайтириш;

к) чет эл молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва хорижий кредит линияларини кенг жалб қилиш юзасидан янги имкониятларни очиш, нуфузли халқаро рейтинг компанияларидан банкка барқарор прогнозли рейтинглар мунтазам олиншини таъминлаш, жумладан “Fitch ratings”, “Moody’s” компаниялари рейтинг баҳоларининг мунтазам равишда янгилашиб борилишини таъминлаш;

л) корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва банк таваккалчиликларни самарали бошқариш юзасидан кенг доирадаги чоратадбирларни амалга ошириш;

м) нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш кўламини ва сифатини ошириш билан боғлиқ ишларни давом эттириш, аҳолининг пластик карточкалар орқали муомала қиладиган депозитлари сонининг ошишини рағбатлантириш;

н) банк тизими бўйича умумлашган телекоммуникация тизимини яратиш, ҳисоб рақамлар хавфсизлигини бошқариш имконини берувчи замонавий технологияларни жорий этиш ва маълумотларни қайта ишлаш тизимини ривожлантириш, назорат ҳамда қайта ишлаш тартибини халқаро тажрибага мувофиқлаштириш йўли билан тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш қоидаларини такомиллаштириш.

2-§. Банкнинг 2014 йилга мўлжалланган бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари

33. Банк капитали. Капитал - банк фаолиятининг асосий молиявий таянчи бўлиб, банкнинг иқтисодий бошқариш воситасидир, шунингдек ундан омонатчилар манфаатини ҳимоя қилувчи ҳамда банк фаолияти ривожини таъминловчи манба сифатида фойдаланилади.

Банк умумий капиталини 2014 йил давомида 92,6 млрд. сўмга ошириб, 463,9 млрд. сўмга етказишни кўзда тутган ҳолда, банк капиталининг етарлилиги даражасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлардан кам бўлмаган даражада сақланишини таъминлаш чоралари белгиланган.

Банк капиталининг кўзда тутилаётган ўсишининг асосий манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 16-майдаги “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банкининг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1966-сонли Қарорида белгиланган 29,8 млрд. сўм миқдоридаги акцияларни жойлаштириш ҳамда қўшимча равишда 50,0 млрд. сўмлик акцияларни муомалага чиқариш ҳамда олинанидан фойдани 11,0 млрд. сўм миқдорида шакллантириш ҳисобланади. Фойдани кўпайтиришнинг муҳим йўналиши бўлиб актив ва пасивлардан мақбул даражада фойдаланиш, хусусан кредит, инвестиция ҳамда депозит сиёсатларини самарали олиб боришдан иборатдир.

34.Мажбуриятлар. Банк умумий мажбуриятларини 2014 йил давомида 2225,6 млрд. сўмга етказилиши кўзда тутилмоқда. Ўз навбатида, банк томонидан ушбу мажбуриятларни ўз вақтида бажариш ва жорий ликвидликка эришиш учун банк активларининг сифат таркибини янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилади.

Банк мажбуриятларининг 2014 йил давомида ўз вақтида бажарилиши юзасидан аниқ чоралар кўрилади. Биринчи навбатда, корпоратив миқозларнинг пул оқимлари устидан доимий мониторинг ўрнатилади.

Бунда банк депозитлари ҳажмининг 2014 йил якунига қадар 1548,5 млрд. сўм миқдорида бўлиши режалаштирилмоқда. Шунингдек жамғарма депозитларига маблағларни жалб қилишни фаоллаштириш, бунда янги жозибадор омонатлар ва жамғармали депозитларни жорий этиш орқали жами аҳоли омонатлари ҳамда пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғини 1031,3 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда банк томонидан жисмоний ва юридик шахсларга мўлжаллаб чиқарилган депозит сертификатлари банк ресурсларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этганлигини эътиборга олиб, 2014 йилда ҳам депозит сертификатларини салоҳиятли миқозларга сотиш режалаштирилган.

35.Активлар. Активларнинг ҳажми ва диверсификация қилинганлик даражаси банк ҳолатига умумий баҳо берилишида асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Активларнинг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси ҳамда унинг таркибини даромадлилик, таваккалчилик жиҳатидан мақбуллаштириш масаласига катта эътибор қаратилади.

Активлар ҳажмининг барқарор ўсишига эришиш мақсадида 2014 йил охирига активлар ҳажмини 2 689,5 млрд. сўмга етказиш режалаштирилган. Активларнинг ўсишида унинг таркибининг мақбуллиги ҳамда активлар сифатининг юқорилигига катта аҳамият қаратилади. Бунда кредит қўйилмалари қолдиғини 1820,8 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Банк активларининг юқори даромадлигини таъминлаш, умумий ликвидликка эришишга йўналтирилган банкнинг кредит ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан чоралар кўрилади.

Ўз навбатида, банк маблағларидан самарали фойдаланишнинг муҳим белгиларидан бири - бу банк умумий активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар улушининг мақбул ҳолатини ушлаб туриш билан биргаликда даромад келтирмайдиган активларнинг камайиб бориш тенденциясининг мавжудлиги ҳисобланади.

36.Даромадлар ва харажатлар. Банк томонидан 2014 йил давомида актив ва пассивларни самарали бошқариш орқали 590,9 млрд. сўм ҳажмида харажат амалга оширилган ҳолда 601,9 млрд. сўм миқдорида даромад олиш, натижада йилни 11,0 млрд. сўм ҳажмидаги соф фойда билан яқунлаш режалаштирилган.

Бунда факторинг, кредит ва инвестициялардан олинadиган фоизли даромадлар 358,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўз навбатида жалб қилинган маблағларга (шу жумладан депозитлар) тўланадиган фоизли харажатлар 262,0 млрд. сўм миқдорида бўлиши режалаштирилган. Натижада банк 2014 йил давомида 96,1 млрд. сўм миқдорида соф фоизли даромадга эга бўлади.

2014 йил давомида олинadиган фоизсиз даромадлар ҳажми 243,7 млрд. сўмни ҳамда амалга ошириладиган фоизсиз харажатлар 50,4 млрд. сўм бўлиши режалаштирилмоқда.

Банкларнинг ҳар бир операциялари маълум даражада хатар билан боғлиқлиги, яъни фойда даражаси ва хатар бир-бирига тўғри мутаносиб ўсишини ҳисобга олган ҳолда активлар бўйича 18,3 млрд. сўм миқдорида захира ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

37.Бизнес-режа банк фаолиятини тезкор бошқариш бўйича тавсифий характерга эга бўлиб, фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, сиёсатларни ҳамда ҳар хил ҳисоботларни тузишда минимал шартларни кўяди.

38.Бизнес-режадаги асосий параметрларнинг объектив сабабларга кўра кескин ўзгариши рўй берган ҳолатларда улар йил давомида қайта кўриб чиқилиши ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим. Ўз навбатида, бизнес-режага даромадлар ва харажатлар ҳамда бошқа параметрлар доирасида умумий параметрларни сақлаган ҳолда тегишли ўзгартиришларни киритиш ваколати банк Бошқарувида берилди.